

ЭЛБЕК ШЕЪРИЯТИДА ЧЎЛПОН АНЬАНАЛАРИ

Зарнигор СОҲИБОВА

тадқиқотчи

Бухоро давлат университети

SohibovaZarnigor@umail.uz

Ўтган асрнинг 20-30-йиллари ўзбек шеърияти тараққиётини миллатпарвар шоир Чўлпон ижодисиз тасаввур этиш қийин. Бу даврда кўп шоирлар унга эргашиб шеърлар ёздилар. Айтиш мумкинки, шоирнинг ёниқ сатрлари барча ижодкорлар қатори Элбекка ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Элбек ҳам жадид ижодкори сифатида эрк мавзусини авжли пардаларда куйлади. Маълумки, Чўлпон шеъриятининг асосини эрк ва истиқлол мавзуси ташкил этади. Элбек ҳам бу мавзуда “Фарғона оқшоми”, “Тутқун қушча”, “Тилак йўли”, “Озодлик қурбонларига”, “Эрк нима?” сингари ўнлаб шеърлар яратди. “Тутқун қушча” шеъри рамзий мазмун ташийди. Бу ҳақда Тоҳир Қаҳҳор шундай ёзади: “Элбек шеърларини туркиялик ўқувчига англатмоққа интилган Тоҳир Чифатой ёзади: “Тутқун қушча” отли шеърида Элбек бир олтин қафас ичидаги муҳташам асорат ҳаётини – кўнгли эзилган, йиғлаб-сиқтаган, яъни нолалар чеккан бир қуш ва қафас қаршисида турган, уни қафасга солган инсонни тасвиrlайди” (1, 142). Зеро, тутқун қушча ўша даврдаги эркиз Турсистоннинг рамзий тимсоли:

*Олтиндан тўқилғон тор бир қафасда
Ётарди бир қушча доим қайғуда.
Ул ҳар кун шу ҳолда ёткач қамалиб,
Йиғларди кўп вақт, тинмайин ўқсиб* (3, 23).

Шоир қушчани доим қайғуда, йиғлаб, ўқсиб турган ҳолатда тасвиrlайди. Ҳақиқатан, Турсистон ўша даврда ниҳоятда аянчли аҳволда эди. Бу ҳолдан кутулиш учун эса “олтин қафасларни бузиш” керак эди:

*Қутимлоқ истасанг, сен, кўп йиғлама,
Уларга ёлинма, сира индама!
Куч тўпла, куч билан қафасин бузгил,
Қулликнинг олтинли бўғовин узғил!*..(2, 23)

Шоир сатрлари Чўлпоннинг “Бутун кучни халқ ичидан олайлик, қучоқ очиб халқ ичига борайлик” мисраларига ҳамоҳанг. Чунки зулм кишанларини янчиб ташлаш учун бирлик, аҳилликдаги куч даркор. Кўрқмас миллий шоиримиз (Т. Қаҳҳор) ўша талатўп замонда эркка эришиш йўлларини мана шундай жасорат билан айта олди.

Шоирнинг “Уйғон, кўнглим” шеъри Чўлпоннинг “Кўнгил” шеърига мавзу доираси, образлилиги жиҳатидан ўхшайди. Элбек ёзади:

*Уйғон, күнглим, уйғон, бир оз юмғон күзинг очилсун,
Ерда бўлган шу ҳолларни кўруб ёшин сочилсун...
Ёнғил бир оз ёлқунланиб, эй юрагимнинг ўти,
Чиқсан сенинг ёлқунингдан алангалар кўк сари (2).*

Чўлпонда:

*Кўнгил! Сен бунчалар нега, кишанлар бирла дўстлашидинг
На фарёдинг, на додинг бор, нечун сен бунча сустлашидинг(3,121).*

Кўринадики, икки шоир ҳам кўнгилга мурожаат қилмоқда. Элбек кўнглини уйғонишга чорлар экан, бу билан ҳалқни уйғотмоқчи бўлади, уни эрк учун курашишга чорлайди. Инсонда табиий, худо берган кўздан ташқари, кўнгил кўзи ҳам бор. Шоир лирик қаҳрамони кўнгил кўзини очишга, атрофга теранроқ назар ташлашга чақиради. Чўлпоннинг кўнгилга мурожаатида ҳам худди шунга яқин фикрлар мужассам. Яъни, Чўлпон лирик қаҳрамони кўнглидан зулм кишанларини парчалашни сўрайди. Зеро, Элбекнинг “Ёнғил бир оз ёлқунланиб, эй юрагимнинг ўти,/Чиқсан сенинг ёлқунингдан алангалар кўк сари” дейишида ана шундай эркка ташналик ҳисси гупуриб туради.

“Онгли ўзбек қизи тилидан” номли шеър Чўлпоннинг “Йиглаган бошқалар” деб бошланувчи шеърига ҳамоҳанг. Шеър 1923 йили ёзилган. Шоир бунда Октябр тўнтаришидан кейинги хотин-қизлар ҳаёти ҳақида сўзлайди. Ўтмиш ва янги замонни қиёслайди.

*Сени кўрдим, сени билдим, сўзларингни тингладим,
Бу чуқур теглик сўзингнинг барчасини англадим.
Англадим, тинмай шу чоқда мен-да ўксиб ииғладим:
Ииғладим мен ҳам сенингдек, ўз-ўзимни тиғладим.
Чунки ул чоқларда менда сўзлаш эрки йўқ эди,
Ҳам менинг оғзим сенинг оғзингга ўхшаши берк эди (2,41).*

Элбекнинг табиат мавзусидаги шеърларида ҳам Чўлпон анъаналарига эргашиш ёрқин сезилиб туради. “Қиш шеъри” бу жиҳатдан эътиборли:

*Тўнгдиргувчи, музлатгувчи оппоқ қуш,
Парларини ерга соча бошлади...
Оқар сувнинг нағмасини тиндирди,
Қўлидаги чолғусини синдирди (2).*

Эътибор берилса, шоир ташбеҳлари ниҳоятда охорли. Яъни қишининг қорлари “тўнгдиргувчи, музлатгувчи оппоқ қуш”га ўхшатилади. Парлар эса қор парчалари. Манзара жуда табиий: қор парчалари қуш парлари янглиғ ерга сочилади. Ёхуд қишида дарё, ариқларнинг суви оқишдан тўхтайди. Буни шоир поэтик усулда шеърхонга етказади. Сувнинг шарқираб оқиши унинг “нағмаси”. Демак, қиш туфайли сувнинг нағмаси тўхтайди. Ёки шеърдаги “Ёғочларни оқ пар билан ўради” мисраси ҳам шоирнинг поэтик топилмаси дейиш мумкин.

Ҳақиқатан, ёғочлар – дараҳтлар қишда оқ пар – қор парчаларидан либос кияди. Умуман, шеърда қиши табиати ёрқин бўёқларда тасвирланган. Шоирнинг ушбу шеъри моҳиятан Чўлпоннинг “Яна қор” шеърига ҳамоҳанг. Буни улар яратган оҳорли ташбеҳлар ва поэтик манзаралар мисолида кузатиш мумкин. Чўлпон, аввало, қорнинг бутун заминни қоплашини оқ кафанга ўхшатади. Бу шеъриятимиз учун янги ташбеҳ. Қолаверса, уни парларга қиёс этади:

*Яна қор. Оқ кафан ўралди яна,
Яна кўк қуиди ерга парларини.
Қарғанинг тиллари буралди яна,
Яна қиши чорлади “нафар”ларини (3,95).*

Ёхуд Чўлпон ёзади:

*Тўнгдиргувчи заҳар совуқ тунда
Бева-бечоралар ёмонлайлар.*

Элбекда:

Тўнгдиргувчи, музлатгувчи оппоқ қуши...

Кўринадики, фикр ифодасида муштараклик мавжуд. Иккала шоир ҳам қишининг хусусиятларидан келиб чиқиб, сифатлашлар ва ўхшатишлар (тўнгдиргувчи заҳар совуқ тун, тўнгдиргувчи, музлатгувчи оппоқ куш) қўллаганларки, бундай ифодалар қиши манзарасини ўзида ёрқин ифода этади. Тўнгдиргувчи сўзи жадид адабий тилида қўлланган. Ушбу сўз тўнгмоқ феълидан олинган бўлиб, музлаб қотиб қолмоқ, музламоқ деган маъноларни билдиради (4, 239). Демак, икки шоирда ҳам тўнгдиргувчи сифати музлатгувчи сўзига синоним сифатида ишлатилган.

“Аноржон” шеъри ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди. Ундаги ташбеҳлар лирик қаҳрамон руҳий оламини ўзида ифода этади.

*Паришон дилингдек сочилғон сочинг
Ичидан толбаргак сингари юзинг
Саргайиб қўринди ўшал замонлар.
Булутли кўкларда айланиб учгон
Қалдиргочлар каби қийгоч қошлиаринг
Юзинг кўки узра учар эдилар (2,104).*

Эътибор берилса, шеърнинг дастлабки мисраси Чўлпоннинг “Соч” шеъридаги қуйидаги мисраларни эсга солади: “Сочилган сочингдек сочилса сиринг”. Элбекда дилнинг паришонлиги сочилган сочга, Чўлпонда эса сирнинг сочилиши сочининг сочилишига ўхшатилади. Булар аслида оҳорли ташбеҳлардир. Кўринадаки, поэтик фикр ифодасида иккала шоирда ҳам ҳамоҳанглик бор.

Умуман, таҳлил ва қиёс этганимиз шеърларда жадид ижодкори Элбекнинг замондош, маслакдош шоирлар қаторида Чўлпондан таъсирангани, унга

ижодий эргашгани ёрқин кузатилади. Бу, айниқса, мавзу, поэтик образ ва фикр ифодасида, табиат тасвиридаги уйғунликларда күзга ташланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қаҳхор Т. Элбек ижодининг чет элларда ўрганилиши // “Шарқ юлдузи”, 2002 йил, 1-сон, 140-145-б.
2. Элбек. Танланган асарлар. –Тошкент: Шарқ, 1999.
3. Чўлпон. Асарлар. I жилд. –Тошкент: Akademnashr, 2013.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.